

**АРОЛ БЎЙИ ХУДУДИДА СУВ ТАНКИСЛИГИ ВА ШЎРЛАНГАН
ТУПРОҚЛАРДА ҚОВУН НАВЛАРИДА АГРОБИОЛОГИК ВА ХИМИЯВИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

Алланазаров.Б.Ж.

Самарканд давлат ветеринария медитсинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари
университети Нукус филияли

Машарипов И.Г

Урганч давлат университете уқитувчиси

Тажибойев.Ж. К

Нукус филияли талабаси

Калит сўзлар: нав, намуна, генофонд, танлов, коллекция, фенологик кузатув, эртапишар, ўртапишар, кечпишар, маҳсулдорлик, уруғ.

Кириш; Ер юзи аҳолисининг сони тез суръатда ўсиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб дунё аҳолисининг сони 7,5 млрд. дан ошиб кетди. Статистик маълумотларга кўра, 2050 йилга бориб улар сони 9,5 млрд. га етиши кутилмоқда. Бу эса озиқ-овқат ва шу каби инсон эҳтиёжи учун керакли маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиб боришига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида сабзаёт экинларнинг юқори ҳосилдор навлари яратиш ва янги турларини излаб топишни тоқозо этади. Республикамизда кейинги йилларда сабзаёт экинларининг 69 та, полиз экинларининг 20 та, картошканинг 10 та янги нави яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Кам ҳосил берадиган пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш эвазига сабзаёт экинлари майдонларини кўпайтириш, ҳамда янги технологияларни жорий қилиш эвазига сабзаёт маҳсулотлари етиштиришни 30-35 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистонда ҳозирги даврда қовуннинг 160 дан ортиқ маданий навлари тарқалган бўлиб, улар пишиб етилиш муддати, ҳосилдорлиги, таъми, меваларининг сақланиш муддати бўйича ўзаро фарқланади ва уларнинг кўпчилики қисми жаҳонда шухрат қозонган.

Ўзбекистон Республикаси- Марказий Осиёнинг энг йирик полизчилик минтақасидир. Бу эрда ҳар йили 35-40 минг гектардан ортиқ ер майдони полиз экинларига ажратилади ва ялпи ҳосил 450-500 минг тоннани ташкил этади, шундан Қорақалпоғистонда полиз экинлари 2,5 минг гектар майдонга экилиб, 39 минг т. миқдорида ялпи ҳосил олинмоқда.

Ўрта Осиёдаги қовуннинг маҳаллий навлари гермоплазмаси селекция ва қовун генофондини сақлаш учун улкан бойлик ҳисобланиб, давлат аҳамиятига эгадир. Шу муносибат билан республикамиз олимлари томонидан бу экиннинг мавжуд ва йўқолиб кетаётган маҳаллий навларини экспедицияларда йиғиш, илмий муассасалар коллекцияларида сақлаш йўллари билан авайлаб асраган ҳолда келажак

авлодларимизга етказиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш борасида зарурий ишлар олиб бормоқдалар.

Қовун генофондини янада бойитиш, унинг экспортбоп навлар ассортиментини кенгайтириш асосида қовун экспорти салоҳиятини янада ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ичида қовун алоҳида аҳамиятга эга. Қовунда одам организми учун зарур бўлга кўпгина минерал тузлар ва витаминлар бўлиб, энг аҳамиятлиси қанд миқдори кўп бўлади. Кўп асрлик халқ селекцияси натижасида Қорақалпоғистон ҳудудида жуда кўп қимматбаҳо қовун навлари шаклланган. Афсуски кейинги даврларда қовун уруғчилигига эътиборсизлик билан қаралгани ҳамда 2000 йиллар бошларида Республикага қовун қуртининг кириб келиши туфайли кўпгина маҳаллий қовун навлари йўқ бўлиб кетди. Йўқ бўлиб бораётган маҳаллий қовун навларини тиклаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш асосида экспортбоб янги навлар яратиш шу куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса дунёга машҳур Қорақалпоқ қовунларининг экспортини йўлга қўйиш юртимизнинг иқтисодини кўтаришда жуда аҳамиятли ҳисобланади

ТАДҚИҚОД НАТИЖАЛАРИ.

1. Қорақалпоғистон шароитида экилаётган қовун навларининг морфологик ва биологик кўрсаткичлари

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти(СПЭКИТИ), маҳаллий деҳқонлардан, бозорлардан олинган жами 100 яқин қовун нав ва намуналари ўрганилди.

Тажрибалар Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти тажриба даласида олиб борилди. Қовун нав ва намуналари уруғлари 2023 йилда давомида ерга май ойининг биринчи ўн кунлигида, умумий майдони 2,0 гектар майдонига экилди. Қабул қилинган агротехнология асосида олиб борилди. Ҳар бир нав бир қаторга экилди. Ўзаро чатишишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир қатор оралиғига маккажўжори экилди. Уруғлар униб чиқиши, биринчи чинбарг чиқариши, оталиқ ва оналик гулларнинг пайдо бўлиши ҳамда меваларнинг пишиши кабилар ҳисобга олинди.

Тажриба намуналарида фенологик кузатувлар шуни кўрсатдики, қовун нав намуналари уруғларнинг 50 фоизга униб чиқиши бўйича навлараро бир-биридан кескин фарқланиш кузатилмади. Қаторлардаги уруғларнинг 50 фоизга униб чиқиши навларда ўртача 7-9 кунни ташкил этди (.1-жадвал).

.1-жадвал

Навларнинг ўсиб ривожланиш динамикаси

Т/Р	Навлар	Униб чиқиши	Биринчи чинбарг пайдо бўлиши	Эркак гуллар пайдо бўлиши	Урғочи гуллар пайдо бўлиши	Пишиш
-----	--------	----------------	---------------------------------------	------------------------------------	-------------------------------------	-------

Эртапишар навлар						
1	Тарнак	7	14	31	38	80
2	Тарнак тўрли	7	14	31	38	80
3	Кичкинтой	7	13	31	37	83
4	Порционная	7	12	30	36	78
5	Дилхуш	7	14	31	38	82
6	Кўкча	8	14	30	36	80
7	Олтин водий	8	15	33	39	88
8	Амири	7	15	32	39	87
9	Ок наввот	7	15	30	34	79
10	Ок босволди	8	14	30	44	87
11	Ок клапаш	7	15	30	41	74
12	Ола бўрикалла	7	14	35	39	79
13	Бакираман калта	7	14	33	40	86
14	Бакираман чўзинчоқ	7	14	33	39	85
15	Барги	8	15	35	41	85
16	Хитой	7	14	34	41	88
17	Ширози қизил этли	8	15	33	40	88
18	Олакка	7	14	31	38	85
Ўртапишар навлар						
19	Кольязи Гурбак	8	14	29	44	95
20	Ала Гурбак	7	15	30	40	99
21	Ок Гурбак	7	14	30	42	90
22	Қормиз Қовун	8	16	30	43	95
23	Нон гушт	7	16	34	43	97
24	Кизил уруг	8	14	34	43	95
25	Жийда япрок	8	16	35	42	94
26	Хон кизи	8	16	31	40	93
27	Жийда гули	7	14	36	43	93
28	Ширин печак	8	14	33	41	93
29	Ок сут	7	15	32	39	90
30	Ермак ковун	8	14	34	41	99
31	Ёз бешак	8	15	35	39	95
32	Ширин бешак	8	14	35	41	93
33	Хива бешак	9	15	35	42	95
34	Қари қиз	8	16	35	43	100
35	Қизил бешак	8	15	35	44	110
36	Оқ қош бешак	8	15	36	44	111
Кечпишар навлар						
37	Маткаул бешак	8	15	36	44	116
38	Шаббоз бешак	8	16	38	48	120
39	Ола ҳамма	7	16	38	47	118
40	Қизил қўтир бешак	8	16	36	44	118
41	Гаврак бешак	8	15	39	48	122

41	Гурлан	8	15	35	45	115
43	Бешак	7	16	39	47	121
44	Наввот бешак	8	15	34	40	110
45	Қари қиз кечки	9	17	44	53	131
46	Қари қиз катта	9	16	43	52	130
47	Шойи қовун	8	15	34	41	115
48	Қиличбой бешак	9	15	36	43	116
49	Туя қовун	8	18	35	44	120
50	Қора гулоби	8	17	39	48	125
51	Тўёна	8	15	38	44	102
52	Бижир	9	16	36	45	116
53	Сариқ гулоби	8	16	35	44	120
54	Бешак 4 чи форма	8	15	35	44	115
55	Андирхон	8	16	35	44	116
56	Олмурт гулоби	8	18	44	53	128
57	Қизил гулоби	8	16	35	45	116
58	Бешак 7 форма	9	15	34	43	115
59	Бешак 8 форма	9	16	35	46	119
60	Хоразм гулоби	8	17	36	46	115
61	Саховат	8	18	35	45	120
62	Қора қош бешак	8	15	35	40	120
63	Кўк гулоби	8	15	36	42	121

Униб чиққан ўсимталарда биринчи чинбаргнинг пайдо бўлиши эртапишар қовунларда биров жадал кечди ва 12-15 кунни ташкил қилди. Ўртапишар қовун навларида эса бу кўрсаткич 14-16 кунни кўрсатди. Кечпишар қовун навларида биринчи чинбаргнинг пайдо бўлиш муддати 15 дан 18 кунгача бўлди.

Ўсимликларда эркак гулларнинг пайдо бўлиш фазаси эртапишар қовун навларида 30 кундан 35 кунгача бўлди. Ўртапишар навларда эркак гулларнинг пайдо бўлиш жараёни 29 кундан 36 кунгача бўлди. Кечпишар навларда эса 34-44 кунни ташкил этди.

Ўрганилаётган қовун навлари намуналарида урғочи гулларнинг пайдо бўлиш жараёни эртапишар навларда 34 кундан 41 кунгача давом этган. Ўртапишар навларда эса 39-44 кун бўлди. Кечпишар навларда бу кўрсаткич 40 кундан 53 кунгача давом этган.

Меваларнинг пишиш жараёни эртапишар қовун навларида 74 кундан 88 кунгача кўрсаткични кўрсатди. Ўртапишар навларда эса 90 кундан 111 кунгача давом этган. Кечпишар навларда меваларнинг пишиш жараёни 115 кундан 131 кунгача бўлиб ўтган.

2.Навларда палакнинг ўсиб ривожланиш динамикаси

Қовун ўсимлигининг ўсиб ривожланишида физиологик жараёнларнинг кечишида поянинг тузулиши, ён шохлар сони, асосий ва ён шохлар узунлиги катта аҳамиятга

эга. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган қовун навларида қўйидагича намоён бўлди. (.2-жадвал)

Эртапишар навлар ичида асосий поя узунлиги бўйича энг юқори кўрсаткич маҳаллий Олакка навида бўлиб 159,2 см ни ташкил этган. Энг калта асосий поя узунлиги Порционная навида бўлди ва 92,4 см бўлди. Қолган навларнинг асосий поя узунлиги шу ораликда кузатилди.

Ўртапишар навлар орасида энг узун асосий поя узунлиги Қизил уруғ навида кузатилиб 180,0 см ни ташкил этди. Энг калта асосий поя узунлиги Жийда япроқ 101,8 см ни ташкил этди. Ўртапишар навларда ўртача узунлик 141,4 см ни кўрсатди.

Кечпишар навларда асосий поя узунлиги эртапишар ва ўртапишар навларга қараганда нисбатан узун бўлди ва ўртача 158,4 см ни ташкил этди.

.2-жадвал

Палакнинг ўсиб ривожланиш динамикаси

Т/Р	Навлар	Асосий поя узунлиги	ён шохлар узунлиги	Ўсимликнинг умумий узунлиги	Ён шохлар сони
Эртапишар навлар					
1	Тарнак	144,9	476,2	621,1	3,5
2	Тарнак тўрли	135,5	454,3	589,8	3,3
3	Кичкинтой	98,0	505,2	603,2	4
4	Порционная	92,4	511,2	603,6	4
5	Дилхуш	120,4	500,4	620,8	3,3
6	Кўкча	146,2	620,5	766,7	3,5
7	Олтин водий	125,1	496,2	621,3	3,5
8	Амири	121,4	502	623,4	3,3
9	Ок навот	145,2	624,5	766,7	3,1
10	Ок босволди	175	565,1	740,1	2,9
11	Ок клапаш	148,2	630,5	778,7	3,5
12	Ола бўрикалла	120	577,7	697,7	4,1
13	Бақираман калта	167,8	595,6	763,4	4,1
14	Бақираман чўзинчоқ	144,2	501,4	645,6	3,9
15	Барги	146,3	651,8	798,1	4
16	Хитой	118,3	552,7	671	3,8
17	Широки қизил этли	150,2	503,9	654,1	3,9
18	Олакка	159,2	489,2	648,4	3,4
Ўртапишар навлар					
19	Кольязи Гурбак	119,4	539,3	658,7	3,5
20	Ала Гурбак	155,5	510,1	665,6	3,2
21	Ок Гурбак	145,7	541,9	697,6	3,4
22	Қормиз Қовун	122,4	502,5	624,9	3,3
23	Нон гушт	167,5	698,8	866,3	4,3

24	Кизил уруг	180	695,5	875,5	4
25	Жийда япрок	101,8	412,5	514,3	4,1
26	Хон кизи	166,2	659,4	825,6	3,4
27	Жийда гули	137,9	478,3	616,2	4
28	Ширин печак	165,7	654,1	819,8	3,8
29	Ок сут	139,7	585,9	725,6	4
30	Ермак ковун	144,1	542,9	687	4,1
31	Ёз бешак	111,7	488,9	600,6	3,7
32	Ширин бешак	174,3	580,2	754,5	3,6
33	Хива бешак	147,8	598,2	746	4,4
34	Қари киз	103,5	399,1	502,6	3,3
35	Қизил бешак	152,5	565,3	717,8	4
36	Оқ қош бешак	115,7	486,9	602,6	3,9
Кечпишар навлар					
37	Маткаул бешак	119,9	569,4	674,6	4
38	Шаббоз бешак	153,4	562,8	716,2	3,9
39	Ола ҳамма	151,7	500,9	652,6	4,5
40	Қизил қўтир бешак	160,1	581,5	741,6	4,2
41	Гаврак бешак	161,5	610,9	772,4	4,4
41	Гурлан	151,7	504,9	656,6	4,5
43	Бешак	152	565	717	4
44	Навот бешак	145,6	587,8	733,4	4,5
45	Қари киз кечки	175,5	751,9	927,4	4,1
46	Қари киз катта	160,8	695,8	856,6	4,2
47	Шойи ковун	195,8	723,7	919,5	4,5
48	Қиличбой бешак	170,2	617,6	787,8	4,2
49	Туя ковун	145,8	550,4	696,2	4,1
50	Қора гулоби	171,2	615,5	786,7	4
51	Тўёна	154,8	591,3	746,1	4,2
52	Бижир	165,8	594,9	760,7	3,9
53	Сариқ гулоби	175,9	659,1	835	4,1
54	Бешак 4 чи форма	141,3	549,6	690,9	4
55	Андирхон	153,9	594,8	747,9	4,2
56	Олмурт гулоби	153,4	562,6	716	3,9
57	Қизил гулоби	193,2	781,1	974,3	4,2
58	Бешак 7 форма	176,3	698,4	874,7	4,4
59	Бешак 8 форма	162,4	619,8	782,2	4
60	Хоразм гулоби	153,9	594,8	747,9	4,2
61	Саховат	151,5	565,1	716,6	4,1
62	Қора қош бешак	115,2	559,4	674,6	3,5
63	Қўк гулоби	195,2	759,5	954,7	4,1

Ён шохларнинг умумий узунлиги эртапишар навларда ўртача 542,1 см ни ташкил этиб энг узун ён шох новдалари 651,8 см ни Барги навида, энг калта ён шохлар узунлиги Тарнак тўрлида бўлиб, 454,3 см натижани кўрсатди.

Ўртапишар навларда энг узун ён поялар узунлиги Қизид уруғ навида бўлиб 695,5 см ни ташкил қилди. Энг калта ён шох узунлиги 399,1 см Қари қиз навида бўлди. Ўртапишар навларда ўртача ён поя узунлиги 552,2 см ни ташкил этди.

Кечпишар навларда ён поялар узунлиги ўртача 613,6 см ни кўрсатиб энг узун ён поялар узунлиги 781,1 см Қизил гулоби навида, энг калта ён поя узунлиги 500,9 см Ола ҳамма навида намоён бўлди.

Ўрганилаётган эртапишар навларда ўсимликнинг умумий узунлиги ўртача 678,5 см ни ташкил этиб, энг узун умумий узунлик 798,1 см ни Барги навида кузатилди. Энг калта умумий узунлик 589,8 см Тарнак тўрлида бўлди.

Ўсимликнинг умумий узунлиги ўртапишар навларда ўртача 694,5 см ни кўрсатиб, энг узун ўсимлик 866,3 см Нон гўшт навида намоён бўлди. Энг калта поя эса Қари қиз навида кузатилиб 502,6 см ни ташкил этди.

Кечпишар навларда ўсимликнинг умумий узунлиги ўрта 772,6 см бўлиб энг узун умумий поя узунлиги 974,3 см ни кўрсатди. Энг калта поя узунлиги 656,6 см ни кўрсатиб Гурлан навида намоён бўлди.

Хар бир ўсимлик маҳсулдорлигида ён шохлар сони катта аҳамиятга эга. Ён шохлар сони бўйича эртапишар навлар ичида энг кўп ён шох сонига Бўрикалла ва Бақираман навлари эга бўлиб 4,1 донани ташкил этди. Энг оз ён шохга Оқ босволди навга тўғри келиб 2,9 донани ташкил этди.

Ўртапишар навлар ичида энг кўп ён шохга эга нав Хива бешак бўлиб 4,4 донани кўрсатди. Энг оз ён шох эса Ола гурбак навида тўғри келди ва 3,2 донани ташкил этди. Ўртапишар навларда ён шохлар сони ўртача 3,6 донани кўрсатди.

Ён шохлар сони бўйича кечпишар навлар ичида энг кўп ён шох сонига Ола ҳамма, Гурлан, Шойи қовун навлари эга бўлиб 4,5 донани ташкил этди. Энг оз ён шохга Қора қош бешак навга тўғри келиб 3,5 донани ташкил этди.

3. Меваларининг сифат кўрсаткичлари

Тажрибада ўрганилаётган нав ва намуналар меваларининг сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотлар олинди (.3-жадвал).

Бир дона мева вазни бўйича эртапишар навларда ўртача кўрсаткич 2,9 кг ни ташкил қилди. Бир дона мева вазни бўйича энг оғир мева Широки навида бўлиб 4,9 кг кўрсаткични намоён қилди. Энг енгил мева Порционная навида бўлди ва 0,8 кг ни ташкил қилди.

Ўртапишар навлар бўйича ўртача кўрсаткич 4,5 кг ни кўрсатди. Энг оғир мева вазни ўртапишар навлар бўйича Нон гўшт ва Хива бешак навларида намоён бўлиб мос

равишда 6,5 ва 6,6 кг кўрсатгични намоён қилди. Энг енгил мева Ёз бешак навида бўлиб 2,5 кг ни ташкил қилди.

.3-жадвал

Меваларининг сифат кўрсатгичлари

T/P	Навлар	Бир дона мева вазни (кг)	Этининг қалинлиги(см)	Қант миқдори
1	Тарнак	1,5	3	5,4
2	Тарнак тўрли	1,4	3	5,5
3	Кичкинтой	0,98	3,5	14, 8
4	Порционная	0,80	3,5	13,3
5	Дилхуш	3,8	4,5	11,2
6	Кўкча	2,6	5,6	12,4
7	Олтин водий	3,2	4,1	12,8
8	Амири	3,7	4,7	11,3
9	Ок навот	3,3	5,3	14,7
10	Ок босволди	3,7	5,4	12,6
11	Ок клапаш	3,2	5,2	10,5
12	Ола бўрикалла	3,1	5,8	13,2
13	Бакираман калта	3,8	5,2	14,6
14	Бакираман чўзинчок	3,9	5,7	12,1
15	Барги	3,1	4,5	11,6
16	Хитой	2,5	3,5	12,1
17	Ширози	4,9	6,1	13,2
18	Алекке	3,3	5,7	10,4
Ўртапишар навлар				
19	Кольязи Гурбак	4,2	5,6	10,8
20	Ола Гурбак	4,9	7,8	11,2
21	Ок Гурбак	5,5	5,8	10,4
22	Қормиз Қовун	5,3	7,5	13,7
23	Нон гушт	6,5	6,1	14,6
24	Кизил уруг	4,1	4,4	12,1
25	Жийда япрок	3,3	4,8	12,3
26	Хон кизи	2,8	4,3	11,8
27	Жийда гули	5,5	5	11,1
28	Ширин печак	3,6	6,2	12,2
29	Ок сут	5,8	6,2	8,2
30	Ермак қовун	2,4	4,2	12,5
31	Ёз бешак	2,5	4,4	11,6
32	Ширин бешак	4,7	6,9	10,9
33	Хива бешак	6,6	5,8	10,5
34	Қари қиз	5,2	6	14,2

35	Қизил бешак	4	5,1	13,5
36	Оқ қош бешак	4,6	6,4	15,1
Кечпишар навлар				
37	Маткаул бешак	4,2	5,8	12,9
38	Шаббоз бешак	4,5	6,1	11,8
39	Ола ҳамма	6,7	7	13,8
40	Қизил қўтир бешак	5,8	6,6	11,2
41	Гаврак бешак	4,9	5,2	10,6
42	Гурлан	3,5	5	13,1
43	Бешак	3,8	4,8	12,1
44	Наввот бешак	3,4	5,4	15,2
45	Қари қиз кечки	6,5	5,7	11,5
46	Қари қиз катта	8,9	7,4	13,6
47	Шойи қовун	4,8	6,7	13,3
48	Қиличбой бешак	6,6	5,3	12,2
49	Туя қовун	5,2	6,9	13,1
50	Қора гулоби	5,1	5,6	14,4
51	Тўёна	6,8	7,2	12,8
52	Бижир	6,3	5,6	12,7
53	Сариқ гулоби	5,3	5	13,5
54	Бешак 4 чи форма	5,1	5,4	12,5
55	Андирхон	5,7	6,1	13,2
56	Олмурт гулоби	7,1	5,4	15,1
57	Қизил гулоби	5,2	5,2	10,8
58	Бешак 7 форма	5,5	6,5	12,2
59	Бешак 8 форма	6	6,2	11,9
60	Хоразм гулоби	7,8	7,5	13,5
61	Саховат	4,5	5,8	13,8
62	Қора қош бешак	4,1	7,1	11,2
63	Кўк гулоби	5,7	6,2	12,8

Кечпишар навлар ичида энг оғир мева вазни Қари қиз катта, Олмурт гулоби, Хоразм гулоби навларида бўлиб, мос равишда 8,9; 7,1; 7,8 килограмми ташкил этди. Энг кичик вазндаги мева Наввот бешак навида бўлиб 3,4 кг кўрсаткични намоён қилди. Ўртача битта мева вазни кечпишар навларда 5,5 килограмми кўрсатди.

Қовун навларига хўжалик белгилари бўйича баҳо беришда этининг қалинлиги белгиси ҳам қимматли белгилардан ҳисобланади. Этининг қалинлиги бўйича эртапишар қовунлар ичида энг қалин этли қовунлар Олакка ва Широzi навлари бўлиб мос равишда 5,7 см ва 6,1 см ни кўрсатди. Энг юпқа этли қовун Тарнак бўлди ва 3 см ни ташкил қилди. Эртапишар қовунлар навлар ичида ўртача кўрсаткич 4,6 см бўлди.

Ўрта пишар навлар бўйича энг қалин этли қовун Ола гурбак ва Қормиз қовун бўлиб мос равишда 7,8 ва 7,5 см ни намоён қилди. Бу ерда энг юпқа этли қовунлар Хон

қизи ва Ермак қовун бўлди ва мос равишда 4,3 ва 4,2 см ни ташкил қилди. Ўрта пишар навлар бўйича ўртача кўрсаткич 5,6 сантиметрни кўрсатди.

Кечпишар қовунлар ичида энг қалин этли қовунлар Қари қиз катта ва Хоразм гулоби навлари бўлиб мос равишда 7,4 см ва 7,5 см ни кўрсатди. Энг юпқа этли қовун Бешак нави бўлди ва 4,8 см ни ташкил қилди. Кечпишар қовунлар навлар ичида ўртача кўрсаткич 6,0 см бўлди.

Таркибидаги қанд миқдори бўйича эртапишар қовунлар ичида энг ширали қовунлар Кичкинтой, Оқ наввот ва Бақираман навлари бўлиб мос равишда 7,8%; 7,7%; ва 7,6% ни кўрсатди. Энг қанд миқдори оз қовун Тарнак бўлди ва 5,5% ни ташкил қилди. Эртапишар қовунлар навлар ичида ўртача кўрсаткич 11,5% бўлди.

Ўрта пишар навлар бўйича энг қанд миқдори кўп қовун Қари қиз ва Оққош бешак қовуни бўлиб мос равишда 14,2% ва 15,1 % ни намоён қилди. Бу ерда қанд миқдори кам қовунлар Оқ гурбак ва Оқ сут қовунлари бўлди ва мос равишда 10,2% ва 8,2% ни ташкил қилди. Ўрта пишар навлар бўйича ўртача кўрсаткич 12% ни кўрсатди.

Кечпишар қовунлар ичида энг ширали қовунлар Наввот бешак ва Қора гулоби навлари бўлиб мос равишда 15,2% ва 14,4% ни кўрсатди. Қанд миқдори қовун Гаврак бешак ва Қизил гулоби навлари бўлди ва мос равишда 10,6% ва 10,8% ни ташкил қилди. Кечпишар қовунлар навлар ичида ўртача кўрсаткич 12,7% бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1.Қорақалпоғистон ҳудудида азалдан экиб келинаётган ва кейинги даврда кириб келган қовун навларидан иборат коллекция нав ва намуналари уч гуруҳга эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлиб ўрганилди. Уларнинг ўсиб ривожланиши хўжалик учун қимматли белгилари ўрганилди.

2.Тезпишарлиги бўйича Оқ наввот, Кичкинтой, Оқ клапаш, Дилхуш навлари яхши натижа кўрсатди. Бу навларни эрта қовун этиштиришда фойдаланиш мумкин.

3.Этининг қалинлиги белгиси бўйича энг яхши кўрсаткич эртапишар навлардан Олакка, Шерози, ўртапишар навлардан Ола гурбак ва қормиз қовун, кечпишар навлардан Қари қиз ва хоразм гулоби яхши кўрсаткичларга эга бўлди.

4.Таркибида қанд миқдори юқорилиги бўйича эртапишар навлардан Қичкинтой, Оқ наввот, Бақираман навлари, ўртапишар навлардан Қари қиз, Оққош бешак, кечпишар навлардан Наввот бешак, Қора гулоби навлари юқори натижаларни кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Х., Рахманова Г., Параиева М. - Агро илм журнали 1(57)-сон 2019й.

2. Тилалов Х.М.- Янги сувгориладиган бўз тўпроқларда қовун навларини турли технологияларда етиштириш ва қуритишга мослигини ўрганиш. Диссертация автореферати. //Тошкент -2020. 44б
3. Третьяков ва бошқалар. -Основи агрономии. М.2002. С. 184-193.
4. Таджиев А., Матиякубов Х., Якубов Н. Қуйи Амударё минтақасида полиз экинларини етиштириш агротехнологияси. Хоразм Маъмун академияси. Хива-2020й
5. Жуковский П.М. Культурные растения и их сородичи. – Л.: Колос, 1971. – С. 613-620.
6. .Халимова М.Ў., Файзиев М.В. Маҳаллий қовун генофондини тиклаш // Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик ҳолати, муаммолари ва ривожлантириш истикболлари» Халқаро илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент, 2018. – 59 б.
7. Хакимов Р.А., Халимова М.Ў. Ўзбекистонда қовуннинг касалликка чидамли навларини яратиш услублари. – Тошкент, 2014. – 151-153 б.
8. Мавлянова Р.Ф. Сабзавот экинлари дурагайларини яратиш ва уларнинг уруғчилиги. – Тошкент, 2020. – Б. 14-16.
9. Есимбекова М.А. Создание генетических ресурсов сельскохозяйственных культур-подходы к реализации // Научно-производственному центру земледелия и растениеводства – 70 лет: мат. межд. науч.-практ. конф. – Алмалыбак, 2004. – С. 112-125
10. Буренин В.И., Артемьева А.М. Роль сорта при импортзамещении (на примере овощных культур). // АгроСнабФорум, 2018. – №6 (162). – С. 54-57.
11. Буренин В.И., Артемьева А.М., Виноградова З.С. Генофонд для для селекции овощных культур (Отделу овощных культур ВИР – 90 лет) // Овощи России, 2014. – №2. – С. 8-13.
12. Лукьянец В.Н., и др. Работы по формированию и изучению генофонда овощебахчевых растений // Международная научно-практическая конференции «Состояние и перспективы научных исследований по картофелеводству, овощеводству и бахчеводству». – Кайнар, КазНИИКО, 2011. – С. 373-374.
13. Махамаджанов С.П., Амиров Б.М. Экологическое испытание дыни на юге Казахстана. / Сб. трудов Научное обеспечение картофелеводства, овощеводства и бахчеводства Казахстана. – Алматы, 2015. – С. 274.
14. Тайшибаева Э.У. Итоги селекционных исследований по бахчевым культурам за 2012-2014 гг. // Сб. трудов Научное обеспечение картофелеводства, овощеводства и бахчеводства Казахстана. – Алматы, 2015. – С.308.
15. Mavlyanova R. Conservatoin, Exchange ard use of Indigenous vegetable resaurses in Central Asia and Caucusus. // Inerusing market – oriented vegetable produksion ni. Central Asia and caucusus traugh collabarative Researrch and

Development. Shancha, Taiwan, AVRDC, 2006. – P. 143-150.

16. Ермохин В.Н. Дыни Узбекистана. – Ташкент: ФАН, 1974. – С. 34-100.

17. Chung H.D. – Oriental melon (C. melo L. var.makuwa). // Horticulture in Korea. 2008. – P. 52-55.

18. Sabovics M., Ishniyazova Sh., Tomsone L., Kampuse S., Tilavov H., Ostonaqulov T. Evaluation of quality indicators for dried melons from Uzbekistan. // **FOODBALT 2019 13 th Baltic conference on Food Science and Technology «FOOD. NURRITION. WELL-BEING» Conference Proceedings.** Latvia University of Life Sciences and Technologies Faculty of Food Technology. – Jelgava. May 2-3, 2019. – P. 154-159.

19. Sabovics M.et al. Enveronmental assessment of quality indicators of local melon varieties Grown Uzbekistan. // **FOODBALT 2019 13 th Baltic conference on Food Science and Technology «FOOD. NURRITION. WELL-BEING» Conference Proceedings.** Latvia University of Life Sciences and Technologies Faculty of Food Technology. – Jelgava. May 2-3, 2019. – P. 120.